

## Илм талаби

09:45 / 02.11.2017 4815

Зирр ибн Хубайш розияллоху анхудан ривоят қилинади:

“Сафван ибн Ассал розияллоху анху ҳузурларига икки маҳсига масҳ тортиш хусусида сўраш учун бордим. У киши: “Эй Зирр, сени нима нарса (бу ерга) олиб келди?” дедилар. Шунда мен: “Илм талаби”, дедим. У киши: “Албатта фаришталар толиби илмнинг илм талаб қилганидан миннатдор бўлиб, қанотларини унга ёзишади”, дедилар. Мен: “Катта таҳорат ва бавл қилгандан кейин маҳсиларга масҳ тортиш ҳақида қалбимда тараддудланиш асорати бор. Сиз эса Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг саҳобаларидан бўлган кимсалардансиз. Мен ҳузурингизга у зотдан бу ҳақда бирор нарса айтганларини эшитганингиз борми?” деб сўраш учун келдим”, десам, у киши: “Ҳа, агар мусофир бўлсак, уч кеча ва кундуз маҳсиларимизни ечмай, (масҳ тортишимизни) буюрдилар. Жунубликдан ташқари катта бўшаниш, бавл қилиш ҳамда уйғонгандан кейин (масҳ тортар эдик)”, дедилар. Мен: “Сиз муҳаббат тўғрисида Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдан бирор нарса эшитганмисиз?” десам, у киши: “Ҳа, биз Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам билан сафарда бирга эдик. Бир пайт ҳузурларида ўтирсак, баланд овозли бир саҳройи араб: “Эй Муҳаммад”, деб чақирди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам унинг овозига ўхшатиб: **“Ҳа, нима дейсан?”** дедилар. Мен эса унга: “Сенинг ҳолингга вой бўлсин, овозингни пастлатгин, чунки сен Набий соллаллоху алайҳи васаллам ҳузурларидасан, бундай овозни баландлатишдан ман этилгансан”, дедим. Саҳройи араб: “Аллоҳга қасамки, овозимни пастлатмайман”, деб Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдан: “Киши бир қавмни яхши кўради-да, уларга эргашмаган бўлади, шунда нима бўлади?” деб айтганида, Набийсоллаллоху алайҳи васаллам: **“Киши Қиёмат куни яхши кўрган кишилари билан бирга бўлади”**, дедилар. У зот бизга гапиришда давом этиб, мағрибдаги бир дарвозани зикр қилдилар. У дарвозанинг кенглиги қирқ ёки етмиш йиллик масофа ёки отлиқ унинг кенглигида қирқ ёки етмиш йил юради. Ровийлардан бири Суфённинг айтишларича, у дарвоза Шом томонда бўлиб, Аллоҳ таоло осмонлар ва Ерни яратган куни халқ қилгандир. У дарвоза тавба учун доимо очиқ бўлиб, қуёш мағрибдан чиқмагунича ёпилмайди”, дедилар”.

Имом Термизий ва бошқалар ривоят қилишди. Имом Термизий ҳасан, саҳиҳ, дедилар.